

Муҳаммад Тақий Усмоний - XXI аср Нававийси (бешинчи мақола)



12:40 / 18.04.2019 2955

Ислом иқтисодиётига кириш

Ушбу асар Муҳаммад Тақий Усмонийнинг ислом иқтисодиёти принципларига бағишланган мақолаларидан ташкил топган. Шайх Муҳаммад Тақий Усмоний ислом иқтисодиёти ҳақида сўз юритган илк инсонлардан, десак муболаға бўлмайди. Бу хусусда Юсуф ал-Кардавий шундай деган:

«Муҳаммад Тақий Усмоний ислом молияси масалаларида менда биимдонроқдир».

Мазҳаб тақлидининг шаръий ҳукми

Муҳаммад Тақий Усмонийнинг урду ва инглиз тилидаги бу асарида тақлид масаласи, айниқса, мазҳаб имомларига тақлид қилиш борасида бир қанча инсонлар томонидан ўртага ташланган шубҳа ва эътирозларга илмий жавоблар бериш кўринишида ёзилганлиги ўқувчини ўзига жалб этади.

Қамарий ойлар

Бу асарда Муҳаммад Тақий Усмоний тортишувли масалаларни баён қилиш шаклида ўқувчига муфассал аниқлик билан маълумотлар тақдим этганлар.

Унда: «Бази инсонлар Сафар ойини бало ва мусибат ойи сифатида кўрадилар, бунинг бир мисоли, сафар ойида никоҳ тузиш каби аҳамиятли ва фойдали ишдан узоқ туришларидир. Бу гап тамоман асоссиз. Бу арабларнинг ботил ишончларидан биридир. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам буткул ботил эътиқодларнинг илдизини йўқотганлар. Муслмонлар бу каби ботил эътиқодларга ишонишлари лозим эмас. Сафар ойида оила қуриш ва никоҳланишда ҳеч бир зарар йўқдир».

Замонавий фикҳий масалалар ҳақида тадқиқотлар

Муҳаммад Тақий Усманийнинг бу асарда олдин келган фикҳий масалалар ҳақида тадқиқотлар келтирилган, кейинги ихтилофли масалаларга доир таҳлиллар ҳам ўртага ташланган. Китобда, шунингдек насия савдо қилиш ҳукмлари, нақд пулнинг ҳукми, автоҳалокатларга оид муаммолар ва текшириш, таклиф бериш каби масалалар ҳам баён қилинган.

Такмилоти Фатҳул-мулҳим

«Фатҳул-мулҳим» шайхул-ҳинд номи билан танилган Мавлоно Ҳасан Девбандийнинг кўзга кўринган талабаларидан ва халифаларидан бири бўлган Шаббир Аҳмад Усманийнинг саҳиҳи муслимга ёзилган, фақат тамомланмай қолган шарҳининг номидир. Шаббир Аҳмад Усманий «Фатҳул мулҳим»нинг фақатгина уч жилдини якунлай олган, холос. Ушбу асар шайх Муҳаммад Тақий Усманий томонидан тўлиқ ёзиб тугатилиб, олти жилд қилиб нашр этилган. «Фатҳул-мулҳим», шубҳасиз Муҳаммад Тақий Усманийнинг араб тилида ёзилган энг муҳим асаридир.

Термизий дарси

Муҳаммад Тақий Усманийнинг Дорул-улум Карачидаги Термизий дарслари асносида берадиган дарс такрорларидан олинган бу асар ҳадис усули, ҳужжиёт, тадвин, тасниф, табақоти-рувот (ровийларнинг табақаси) ташиҳ ва тадъиф қоидалари ашоби ҳадис, ашоби рай, Куфа ва Абу Ҳанифанинг ҳадис илмларидаги ери, тақлид ва ҳадис, Имом Термизий ва китобининг афзалликлари акс этган 150 саҳифалик кенг бир муқаддима билан бошланган.

Хотима

Шайх Муҳаммад Тақий Усманий ҳазратлари исломий илмларининг ҳар бир соҳасида асар ёзган биинчи фикҳ, шунингдек ҳадис соҳасида китоблар ёзган, исломий илмларнинг ҳар бир соҳасида ўз сўзига эга бўлган улуғ бир

олимдир. Абу Бакр Сифилнинг ҳам айтгани каби: «Муҳтарам Муҳаммад Тақий Усманий илм билан «истиқомат»ни бир ерда мужассам эта билган нодир инсонлардан биридир».

Дениз Аҳмадўғли

Нодира Эркинжон таржимаси